

2020

ROLE OF NASAFI'S "AQAIID" IN THE STRUGGLE AGAINST IDEAS OF MODERN FANATICAL MOVEMENTS

Abdullatif Alloqulov

International Islamic academy of Uzbekistan, aalloqulov@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw>



Part of the [Islamic Studies Commons](#), [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#), and the [Terrorism Studies Commons](#)

Recommended Citation

Alloqulov, Abdullatif (2020) "ROLE OF NASAFI'S "AQAIID" IN THE STRUGGLE AGAINST IDEAS OF MODERN FANATICAL MOVEMENTS," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 1.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2020/iss1/1>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Abdullatif ALLOQULOV
 INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
 UZBEKISTAN, doctor of philosophy PhD
 a.alloqulov@iia.uz 11, A.Kadiri, Tashkent, 100011,
 Uzbekistan. Tel: (90)325-13-86 mobil.

НАСАФИЙ “АҚОИД” АСАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУТААССИБ ОҚИМЛАР ҒОЯЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШДА ЎРНИ

ROLE OF NASAFI'S "AQAIID" IN THE STRUGGLE AGAINST IDEAS OF MODERN FANATICAL MOVEMENTS

РОЛЬ ПРОИЗВЕДЕНИЯ “АКАИД” НАСАФИ В БОРЬБЕ С СОВРЕМЕННЫМ РЕЛИГИОЗНЫМ ФАНАТИЗМОМ

Калит сўзлар: *имон, имонда истисно, тақлидий имон, гуноҳи кабира, сагира гуноҳ, аросат, ал-манзил байнал манзилатайн, усулу-д-дин, ақида, тавҳид, калом, мужассима, мушаббиха, муътазила, шафоат.*

Key words: *faith, exception in faith, imitative faith, big sin, little sin, al-manzil baynal manzilatayn, usulu-d-din, belief, tawhid, Kalam, Mujassimah, Mushabbihah, Mu`tazilah, intercession.*

Ключевые слова: *вера, исключение в вере, подражательная вера, большой грех, малый грех, аль-манзиль байнал манзилатайн, усулу-д-дин, акаид, таухид, калам, муджассима, мушаббиха, муътазила, ходатайство.*

Дунёда диний-этиқодий ихтилофлар мураккаллашиб, яқдил этиқод сифатида шакланган аҳли сунна ва-л-жамоа таълимотига ёт мутаассиб оқимларнинг фаолияти кучайиб бормокда. Бундай ўзига хос мафкуравий кураш жараёнида соф ақида (عقيدة) ва калом (كلام) илмлари хулосаларига таяниш ҳамда глобаллашув шароитида бузғунчи ғоялар таъсирида мураккаблашиб, асл мазмун-моҳиятини йўқотаётган имон (إيمان), усулу-д-дин (أصول الدين), тавҳид (توحيد) тушунчаларини ватандошимиз Абу Ҳафс Насафий (461-537/1069-1142 й.)нинг “Ақоид” (“عقائد”) асари орқали ёритиб бериш ўзига хос аҳамият касб этади. Зеро, мовароуннаҳрлик олимларнинг илмий меросларини бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиш глобаллашув шароитида юзага келган ақидапараст оқимларнинг тарихий илдизини аниқлаб, уларга асосли раддиялар бериш имконини беради.

Мустақиллик йилларида ислом динининг мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилиш, унинг бунёдкор ва маърифий кучини маънавий ҳаётимизни ривожлантиришга қаратиш, аждоқларимизнинг ёзма

илмий меросини тадқиқ этиш долзарб масалалардан бирига айланди. Аждоқларимиз қолдирган бой маънавий-маърифий мерос, аҳли сунна ва-л-жамоа этиқодини мўътазилия (معنزية), мушаббиха (مشبهة), мужассима (مجسمة) каби адашган фирқалар ғояларидан ҳимоялашга қаратилган. Хусусан, Насафийнинг ислом таълимотига бағишланган “Ақоид” асари мамлакатимизнинг ислом цивилизацияси ривожига ўрнини қайта баҳолашга сабаб бўлмокда. Бу эса “Ақоид” асарида кўтарилган ғояларни чуқур тадқиқ этиш ва маънавий ҳаётимизга татбиқ қилишни тақозо этади.

Қуръони карим ва саҳиҳ суннатларда келган ақидавий масалаларни чуқур таҳлил асосида ўрганиб, муташибох оят ва ҳадисларни таъвил қилмасликка қарор қилинган илк давр олимлари, бу соҳада ҳажм жиҳатдан кичик рисоалар ёзганлар. Одатда, бундай рисоаларда аҳли сунна ва-л-жамоа ақидаси умумий тарзда аниқ, равшан ифода қилинган бўлиб, қарши фикрларга эътироз ва баҳс-мунозараларга ўрин берилмаган (Topaloğlu B., 1981: 117). Ҳар бир соҳада бўлганидек, ақоид фанида ҳам дастлаб Қуръон ва ҳадислардан олинган каломга доир масалалар ихчам шаклда берилган. Бундай асарлар кейинги давр олимлари учун фан бўйича шарҳлар битиш имкониятини берган.

Х аср ўрталарида мавжуд йирик исломий ақидавий таълимотлар сифатида суннийлик, мўътазилийлик, муржийлик, шиалик ва хорижийлик каби йўналишлар қайд этилган. Ислом динида биринчи бўлинишга 657 йил халифа Али (599-661 й.) билан Муовия (602-680 й.) тарафдорлари ўртасида бўлиб ўтган музокара сабаб бўлган. Унда Али тарафдорларидан 12 минг киши ажралиб чиқиб, хорижийлик оқимини юзага келтирди. Кейинги бўлиниш ҳам айнан “гуноҳи кабира” масаласига боғлиқ бўлган. Бунда Ҳасан Басрий (21-109/642-728 й.) халқасини Восил ибн Ато (ваф. 130/748 й.) ва Амр ибн Убайд (ваф. 143/761 й.) “гуноҳи кабира” масаласи туфайли тарк этганлар ва мўътазилия оқимига асос солдилар. Бу дастлабки ақидавий бўлинишлар VII–IX асрларда Бағдод ва Дамашқ халифалигининг диний-сиёсий ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатди.

Мўътазилийлар аҳли суннадан фарқли равишда ақлни насс (Қуръон ва ҳадис)дан устун библиб, ақл мустақил ҳукм чиқариш хусусиятига эга, деган тушунчани тарқатишга уринганлар. Мўътазилия таълимоти аббосий халифалар Маъмун (197-218/813-833 й.), Муътасим (218-227/833-842 й.) ва Восиқ (227-232/842-847) даврида расмий этиқод сифатида тан олинган. Мутавакқил (232-247/847-861) ҳукмронлиги даврида эса исломга зид

Мазкур мақолада Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари ва унинг шарҳларида кўтарилган ақидавий масалалар, олимнинг мутаассиб оқимларга раддия бериш услуби баён этилган. Унда глобаллашув шароитида юзага келган турли бузғунчи оқим ғоялари тарихий илдиз сифатидан талқин этилган, жумладан, хорижийлик, мўътазийлик, қадарийлик, жаҳмийлик, жабарийлик, мушабихалик каби фирқалар қиёсий таҳлил қилинган.

“Ақоид” асарида адашган фирқа қарашлари сифатида кўрсатилган ғоялар замонавий оқимлардан, жумладан, хизбий, салафий, жиҳодчилар, Туркистон ислом ҳаракати кабилардан қайси бирининг таълимотига мос келиши қиёсий таҳлил қилиниб, уларга аҳли сунна вал жамоа таълимоти нуқтаи назардан оят ва ҳадислар ҳамда ислом оламида эътироф этилган мутафаккирларнинг сўзлари билан раддиялар берилган.

В данной статье рассматриваются методы Абу Хафса Насафи, использованные им в опровержении идей представителей фанатических течений на основе теологических вопросов, поднятых в произведении «Акаид» и в комментариях к нему. Кроме того, в статье представлены результаты сравнительно-сопоставительного анализа истоков идеологических взглядов современных религиозных течений и идеологии хариджитов, мутазилитов, кадаритов, джахмитов, джабаритов и др.

Так же были сопоставлены и проанализированы идеи различных исторических религиозных течений с призывами современных экстремистских группировок, таких как Хизбу-т-таһрир, салафиты, джихадисты, Исламское движение Туркестана, и даны опровержения на основе аятов, хадисов и высказываний выдающихся мусульманских ученых (ахли сунна ва-ль-джамаа).

This article discusses the methods of Abu Hafs Nasafi, used by him to refute the ideas of representatives of fanatical movements based on theological issues raised in the work “Akaid” and the comments to it. Also, the article presents the results of a comparative analysis of the origins of the ideological views of modern religious movements with the ideology of Kharijites, Mutazilites, Kadarites, Jahmites, Dzhaharites, etc.

Also, the ideas of various historical religious movements were compared and analyzed with the challenges of modern extremist groups, such as Hizbu-t-Tahrir, Salafists, jihadists, the Islamic Movement of Turkestan and rebuttals based on verses of Qur’an, hadiths and the sayings of prominent Muslim scholars (ahli sunna wa-l-jamaa).

оқим сифатида қаттиқ таъқиб остига олинган. Бу оқимнинг сўнгги қароргоҳи Хоразм бўлиб, XIII–XIV асрларга келиб, мўътазилия таълимоти шиаларнинг айрим оқимлари эътиқодига айланиб қолди (Alloqulov A. 2018: 16).

Ҳозирги кунда глобал муаммолардан бирига айланган ақидапараст оқим ғояларига қарши имунитетни шакллантиришда Умар Насафийнинг “Ақоид” асари ва унга ёзилган шарҳлар катта аҳамият касб этади. Чунки олим Султон Санжар ибн Маликшоҳ (511/1118–552/1157йй.) топшириғига биноан аҳли сунна вал жамоа таълимотининг адашган оқимларга нисбатан далилларини ёритиб бериш учун “Ақоид” асарини ёзган. Насафий унда XI–XII асрларда мотуридийлик таълимотини ёритиш орқали мўътазилия, жаҳмия, жабария каби ўндан зиёд мутаассиб оқимлар ва моддапарастларга раддиялар берган.

Олим “Ақоид” асарида 74 та ихтилофли ақидавий масалаларни келтириш орқали мотуридийлик таълимотининг мавқеи ва йўналишини кўрсатиб берган. Китобда бирорта ақидавий, фалсафий ёки фикҳий оқимларнинг номи, ғояси тилга олинмаган бўлса-да, фирқа-оқимларнинг қарашларини ҳар бир ақидавий масала негизидан англаб олиш мумкин.

“Ақоид” асарида XI–XII асрларда фаолияти кузатилган қуйидаги ақидавий фирқалар танқид остига олинган:

Хорижийлик – халифа Али (р.а.) билан умавийлар ўртасидаги кураш натижасида, VII асрнинг

иккинчи ярмида вужудга келган. Улар ўз сафларига қўшилмаганларни “муртад” (диндан қайтган)ликда айблаб, уларга қарши мурасасиз кураш олиб борган диний-сиёсий оқимдир (Туперов А., 2014: 43).

“Ақоид” матнида ишора қилинган хорижийликнинг аҳли сунна вал жамоага тўғри келмайдиган қарашлари: гуноҳи кабира қилган кишини кофир деб эълон қилиниши; Пайғамбарлар шафоати гуноҳи кабира қилганларга эмас, балки сағира гуноҳ соҳибларига бўлиши; гуноҳи кабира қилиб, тавба қилмаган киши дўзахда абадий қолиши; имоннинг рукни – тасдиқ, иқрор ва амал, имон кўпайиб-камайиб туради, маҳсига масҳ тортиш мумкин эмас (Abdulmalik Sa’diy, 2009: 148, 156, 158, 161, 164, 225).

Шиалар – исломдаги асосий йўналишлардан бири, тарқалиши ҳамда ижтимоий-сиёсий моҳияти жиҳатидан суннийликдан кейинги ўринда туради. Ҳозир жаҳондаги мусулмонларнинг қарийб 8 фоиз шу таълимотга мансуб ҳисобланади. Бу таълимот VII аср ўрталарида халифа Али (р.а.) ҳокимияти тарафдорлари томонидан илгари сурилган. VII аср охирларига келиб, Ироқ ва Эронда кенг тарқалган ва исломдаги мустақил диний йўналишга айланган (Sahristoniy, 1992: 144).

“Ақоид” матнида ишора қилинган шиаликнинг аҳли сунна вал жамоага тўғри келмайдиган таълимотлари: халифаликка Абу Бакр (р.а.), Умар (р.а.) ва Усмон (р.а.)ларга нисбатан Али (р.а.)ни ҳақли деб билиш, имом яширин бўлиши, имом маъсум

(гуноҳ қилишдан илоҳий тўсилиши), оёқ устига масх тортиш (Shahristoniy, 1992: 207, 2017, 218, 225-227).

Рофизийлар¹ ўрта асрларда аҳли сунна вал жамоа таълимоти йўлидан четга чиққан оқимлар, хусусан, шиалар Абу Бакр (р.а.) ва Умар (р.а.)нинг халифалик ҳуқуқини рад этганлари учун рофизий деб аталганлар. Кейинчалик Али (р.а.)ни илоҳийлаштириш тарафдорлари бўлган фирқалар (хусусан, исмоилийлар) шу ном билан аталган. Умумий маънода “рофизий” нисбаси имомийлар, алавийлар ва зайдийларга берилади (Muhammad Abu Zahra, 1996: 530).

“Ақоид” матнида ишора қилинган рофизийларнинг қарашлари: узум ва хурмо шарбатини ҳаром деб билиш (Alloqulov A., 2018, 86).

Мўътазилиянинг тарихи Ҳасан Басрий (642-728 йй.)нинг собиқ шогирдларидан бўлган Восил ибн Ато (700-748 йй.) ва Амр ибн Убайд (699-761 йй.)ларга бориб тақалади. Мўътазилийлар VII–IX асрларда Дамашқ ва Бағдод халифалигида муҳим ўринга эга бўлганлар. Ҳасан Басрий даврасидан шогирдлари Восил ибн Ато ва Амр ибн Убайд ўзларининг “ал-манзилу байна-л-манзилатайн” (икки манзил орасидаги манзил) ақидавий қарашлари билан ажралиб чиқдилар ва “муътазила” (ажраганлар) номини олдилар (Shahristoniy, 1992: 38).

“Ақоид” матнида раддия берилган мўътазилиянинг аҳли сунна вал жамоага мос келмайдиган қарашлари: Аллоҳнинг маънавий (Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf, 2013: 108-109)² сифатларини инкор қилиш; сифатлар зотнинг айни ўзи; “Калом” сифати зотдан бошқа ва кейин пайдо бўлган; Қуръон махлук; “Ирода” сифати кейин пайдо бўлган; Аллоҳни жаннатда кўриш ақлга ҳам, нақлга ҳам тўғри келмайди; бандада аввал қудрат, кейин феъл пайдо бўлади; Аллоҳ банданинг қурби етмайдиган нарсаларни юклаши ақлан мумкин; банда ўз феълнинг яратувчиси; ажални иккига, яъни қатл (ўлдирилиш) ва мавт (ўлим)га ажратиш; ҳаром ризқ эмас; Аллоҳ бандани ҳидоят қилмайди, балки унга тўғри йўлни баён қилади; тоат қилган бандага савоб, гуноҳи кабирага тавба қилмаган кишига азоб бериш Аллоҳга вожиб; дунёда бандалар учун манфаатли нарсаларни яратиб бериш; ёмон

ишларни яратиб бермаслик ақлга кўра Аллоҳга вожиб; қабр азоби; Мункар-Накирнинг савол-жавоби; тарози; пулсирот йўқ (Abdulmalik Sa'diy, 1992: 125, 133, 138); жаннат ва дўзах ҳозир мавжуд эмас, у иккиси қиёмат куни яратилади; гуноҳи кабира қилган киши на мўмин, на кофир бўлади, балки у аросатда, яъни икки манзил орасида бўлади; қиёматда гуноҳи кабирани Аллоҳ кечирмайди; гуноҳи кабирадан сақланган киши қиёмат куни кичик гуноҳлар сабабли жазоланиши мумкин эмас; пайғамбарлар шафоати сағира гуноҳ қилган кишиларга бўлади; гуноҳи кабирага қўл уриб, тавба қилмаган киши жаҳаннамда абадий қолади.

Уларнинг эътиқодига кўра, имоннинг рукнлари – тасдиқ, иқрор ва амал. Имон кўпайиб, камайиб туради; валийларда каромат бўлмайди; Аллоҳ яратилган ва яратилмаган нарсаларни кўриб туради; садақаи хайротлар ва қилинган дуолар майитга етиб бормайди; тирикларни ўликлар ҳаққига қилган дуолари наф бермайди; мужтахидлар хато қилишлари мумкин эмас; фаришталар оддий башариётдан афзалдир (Alloqulov A., 2017: 97).

Жаҳмийлар – Абу Михраз Жаҳм ибн Сафвон (ваф. 745/1344 йй.) асос солган таълимот тарафдорлари бўлиб, улар Аллоҳнинг сифатларини инкор қилишда мўътазилия таълимотини қўллаб-қувватлаганлар (Oqilov S., 2012: 76).

“Ақоид” матнида эътироз билдирилган жаҳмийларнинг нотўғри таълимотлари: Аллоҳнинг сифатлари кейин пайдо бўлган; жаннат ва дўзах абадий эмас, яъни жаннат аҳли ўзига тегишли мукофотни, дўзах аҳли жазони олганидан кейин йўқ бўлиб кетадилар; тилда куфр сўзларни айтиш билан маърифатли қалбдан имон чиқиб кетмайди (Abdulloh Harariy, 1997: 37).

Аллоҳни бандаларига ўхшатган, Унинг сифатларини махлуқотларнинг сифатлари билан бир хил деб талқин қилган тоифа – мушаббихалардир. Шунинг учун улар мушаббиха (ўхшатувчилар) деб номланганлар. Бу ғояни дастлаб Ҳишом ибн Ҳаккам Рофизий ва Баён ибн Самъон Тамимий илгари сурганлар. Ушбу йўналиш тарафдорлари Аллоҳни инсон шаклида тасаввур қилганлар ва Қуръондаги муташобих оятларни асл ҳолида талқин қилишга ҳаракат қилганлар (Fido Muhammad, 2004: 130).

“Ақоид” матнида ишора қилинган мушаббихаларнинг аҳли сунна вал жамоага зид қарашлари: Аллоҳнинг “яд” (қўл), “важх” (юз) каби сифатларини зоҳирий маънода талқин қилиш; Аллоҳни Аршда деб билиш (Muhammad Yosir, nashr yili ko'rsatilmagan: 98).

Аллоҳни инсонга ўхшатган ёки Уни жисмли, деб билган тоифа мужассима (мушаббиха, карро-

¹ Рофиз сўзи “тарк етиш”, “рад етиш” ва “маслагидан қайтиш” маъноларига ишлатилади.

² Маънавий сифатлар маънолар сифатларининг узвий натижасидир, яъни маънавий сифатлар маънолар сифатлари юзага келиши билан пайдо бўлади. Масалан, “Қудрат” Аллоҳнинг маънолар сифати бўлса, “Қодир бўлиши” маънавий сифат ҳисобланади. Улар еттитадир. Жумладан, Аллоҳни қодир, ирода қилувчи, олим, тирик, эшитувчи, кўрувчи ва гапирувчи бўлиши каби.

мия каби фирқаларнинг таркибий қисми) дейлиб, улар “Аллоҳ бандалар каби кўз, юз ва қўлларга эга”, деган эътиқод билан ажралиб турадилар (Shihobiddin Marjoniy, 1937: 107, Sadru-l-varo, 2009: 205).

VII аср охири VIII аср бошларида пайдо бўлган ақидавий таълимот тарафдорлари ҳисобланган жабарийлар инсонда мутлақо ирода эркинлиги йўқ, деб биладилар. Улар банда Аллоҳ таоло томонидан белгилаб қўйилган яхши ёки ёмон амални мажбурий тарзда бажариши шарт, деб таъкидлайдилар. Шунинг учун ҳам бу таълимот жабарий, яъни “мажбурилик” деган номни олган (Shahristoniy, 1992: 72).

“Ақоид” матнида ишора қилинган жабарийларнинг таълимотлари: бандаларда ихтиёр эркинлиги йўқ, улар мазлум ҳисобланади (Abdulmalik Sa’diy, 2009: 99).

Карромийлар. IX–XII асрларда Бағдод халифалигининг марказий ва шарқий вилоятларида тарқалган бу оқимнинг асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Карром (806-869 йй.). Карромийларнинг таълимотига кўра, Аллоҳ муайян жисмга эга, инсон ўз фаолиятининг натижаларига таъсир кўрсата олади, инсон ақли ёрдамида, яъни ваҳий ёрдамисиз, яхшилик ва ёмонликни фарқлашга қодир.

Мўғуллар истилосидан сўнг карромийлар барҳам топган (Alloqulov A., 2016: 91).

“Ақоид” матнида ишора қилинган карромийларнинг аҳли сунна вал жамоага зид қарашлари: Аллоҳ Арш устида; Аллоҳнинг сифатлари яратилган, сифатлар зотдан бошқа (Ikromulhaq, 2012: 128).

Насафий “Ақоид” асарида: “олам қадимий”, “ҳашр куни жисм эмас, руҳлар тўпланади”, “фалак айланади”, “жисмнинг моддаси қадимий”, деб билувчи файласуфларга; Фаробий, Ибн Сино, Ибн Рушдларнинг “Аллоҳ жузъий нарсаларни билмайди”, “сифатлар зотнинг айни ўзи”, “жасадлар эмас, руҳлар қайта тирилади” каби қарашларига; Назомия оқимининг “Аллоҳ жаҳл ва ёмон нарсаларни яратмайди”, Балхийнинг “Аллоҳ банда тутган рўза каби ишни қилишга қодир эмас” (Abdulmalik Sa’diy, 2009: 30, 72, 73, 76,78, 60, 77-78, 74, 130.), деган фикрларига ишора қилиб, уларга мотуридийлик таълимоти асосида ойдинлик киритган.

Булардан ташқари аҳли сунна вал жамоа таълимотининг иккинчи йўналиши – ашъарийларнинг: “Таквин” кейин пайдо бўлган сифат”, “таквин” билан “мукавван” битта нарса”, “Аллоҳ бандани тоқати етмайдиган ишга мукаллаф қилиши ақлан мумкин”, “имоннинг рукни қалб билан тасдиқ қилиб, тил билан иқрор қилиш”, “фаришталар инсонлардан афзал” каби қарашларига мотуридийлик

таълимоти асосида фикр билдирган (Abdulmalik Sa’diy, 2009: 88, 89, 110, 161, 255.).

Юқорида баён этилган оқимларнинг ғоялари негизида шаклланган замонавий ақидапараст фирқалар тарафдорлари кўп такрорлайдиган ақидавий масалаларга “Ақоид” асари ҳамда унга ёзилган шарҳларда асосли фикрлар баён қилинган. Хусусан, ҳозирги кундаги сохта салафийлар: “Солиҳ амаллар савобини оламдан ўтганларга ҳадя қилиш жоиз эмас”, – деган ғояни илгари сурадилар. Шунингдек, “Туркистон ислом ҳаракати” вакиллари: “Қабрларни зиёрат қилиш, дунёдан ўтганларнинг руҳига бағишлаб Куръон тиловат қилиш кечирилмас гуноҳдир”, – деб биладилар (Shermuhammedov K., Karimov J., 2014: 54). Абу Ҳафс Насафий “Ақоид” асарида: “Тирикларнинг вафот этганлар ҳаққида қилган дуолари ва садақалари улар учун наф беради”, – деган (Sa’duddin Taftazoniy, 1976: 111). Бу мотуридийлик ва тўртта мазҳаб имомларининг қарашларига мос келади.

Абдулмалик Саъдий мазкур матни шундай шарҳлаган: “Аксарият олимлар маййит ҳаққида қилинган дуо, садақа ва бошқа ибодатларнинг савоби унга фойда беради, деганлар”. У бунга «Ҳашр» сурасининг 10-оятини далил қилиб келтирган: “**Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтурлар: “Эй Раббимиз, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари имон билан ўтганларни мағфират қилгин”.** Бундан ташқари, “маййитни дафн қилгандан кейин унинг ҳаққида истиғфор айтиб, собит туришини сўранглари, чунки у ҳозир ҳисоб-китоб қилинади”, деган ҳадисни Абу Довуддан ривоят қилиб келтирган. Шунингдек, Имом Муслим (205/821-261/875 йй.)дан нақл қилинган ҳадисни далил қилиб келтирган “Одам боласи вафот этса, учта амалидан бошқа ҳамма нарсаси кесилади: садақаи жория ёки фойдаланиладиган илм (китоб) ёки ҳаққида дуо қиладиган солиҳ фарзанд”. Шунингдек, Абдулмалик Саъдий: “Жаноза намозининг ўзи ҳам маййит ҳаққида дуо, ҳам истиғфордир”, – деган (Abdunnosir Latif, 2009: 84). У ўтганлар ҳаққида қилинган дуо маййитга фойда бериши ва унинг номидан қилинган садақаи-жориялар, етиб боришига доир тўққизта ҳадисни келтириб, келиб чиқиш илдизига тўхталган.

Мўътазилийлар қилинган дуои-хайрлар ва садақалар маййитга фойда бермайди, деган таълимотни биринчи бўлиб илгари сурганлар ва унга: “Муддассир” сурасининг 38 ояти: “**Ҳар бир жон (эгаси) ўзи (дунёда) қилган амали билан гаровлидир**”; “Нажм” сурасининг 39-ояти: “**Инсонга фақат ўзи қилган ҳаракатигина (мансуб) бўлур**”-нинг далил қилиб келтирганлар. Шунингдек, юқо-

ридаги ҳадиснинг “Одам боласи вафот этса, амали кесилади”, деган қисмини ўзларига хужжат сифатида олишиб, давомини тарк этганлар (Ubaydulhaq, 1990: 174).

Абдулмалик Саъдий мавзу сўнгида ихтилоф қилмаслик, тортишмаслик ва мурасасизликка бормаслик ҳақида тўхталиб: “Нима бўлганда ҳам бу ихтилофли масала, лекин уни мусулмонлар ўзаро ихтилоф, тортишув ва бир-бирларини кофирга чиқариш воситаси қилиб олмасликлари лозим”, – деган фикрни беради (Abdulmalik Sa'diy, 2009: 240).

Ақидавий баҳслар орасида кўп ўрганилган ва адашган оқимларнинг асосий ғояси бўлган “такфир” мавзуси бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмади. Халқни бир-бирига қарши қўядиган, отани боладан, болани отадан айирадиган масалалардан бири “такфир”, яъни мусулмонни кофир деб эълон қилишдир. Ҳозирги кунда бу ғояни куйидаги оқим ва ташкилотлар илгари сурадилар: “Жамоату-л-муслимин” фирқаси: “уларнинг йўлини тутмаган мусулмонларни кофир” деб эълон қилади (Shermuhammedov K., Karimov J., 2014: 32). “Сохта салафийлар” тасаввуф йўлини тутган мусулмонларни куфрда айблаб, мазҳабга эргашини шахсга сиғиниш даражасига кўтардилар (Shermuhammedov K., Karimov J., 2014: 7). “Шабаб Муҳаммад” оқими арзимаган сабаблар билан мусулмонларни кофир деб ҳукм қиладилар (Hudaverdi Adam, 1998: 76). “Ал-Қоид” ташкилоти ўзининг сафига қўшилмаган мусулмонларни кофирга чиқаради (Shermuhammedov K., Karimov J., 2014: 66).

Бундай қарашларга жавобан Абу Ҳафс Насафий “Ақоид” асарида “Ғуноҳи кабира мўмин бандани имондан чиқармайди ва уни куфрга ҳам киргазмайди”, – деган (Sa'duddin Taftazoniy, 1976: 109). Тафтазоний бу матнга: “Кабира ғуноҳ – бу ноҳақ одам ўлдириш, покдомон инсонни зинокорликда айблаш, зино қилиш, сеҳр, етимнинг молини ейиш, ота-онага оқ бўлиш...”, деб шарҳ берган. Бундай ғуноҳга қўл урган кишида имон сақланиб қолади (Sa'duddin Taftazoniy, 1976: 140-141).

Шиҳобиддин Маржоний “Ақоид”да келган мазкур матн остида ғуноҳи кабира билан киши мўминликдан чиқиб қолмаслиги ҳақида ҳадислар келтириб, мўътазилия ва хорижия таълимоти вакиллари раддия берган: “Абу Зарр (р.а) дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (с.а.в.): “Раббим ҳузуридан бир элчи келиб, умматимдан ким Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмай вафот этса, жаннатга кишининг хабарини берди”, – дедилар. Мен: “Зино қилса ҳамми? Ўғрилиқ қилса ҳамми?”, – деб сўрадим. У зот: “Зино қилса ҳам, ўғрилиқ қилса ҳам”, – дедилар”.

Убода (р.а.)дан нақл қилинган бошқа ривоятда: “Пайғамбар (с.а.в.): “Ким: “Ёлғиз Аллоҳдан ўзга илоҳ мавжуд эмас, Унинг шериги йўқдир, Муҳаммад Унинг бандаси ва Расулдир. Исо Аллоҳнинг бандаси, расули ва Марямга ташлаган “калима”-си ҳамда Ўзидан бўлган руҳдир. Жаннат ҳақ, дўзах ҳам ҳақ”, деб гувоҳлик берса, қилган амалига қараб, Аллоҳ уни жаннатга киритади”, дедилар”. Мазкур икки ҳадисни Бухорий ривоят қилган.

Усмон (р.а.)дан нақл қилинган ҳадисда шундай дейилган: “Расулulloҳ (с.а.в.): “Ёлғиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ” эканини ким билиб вафот этса, жаннатга киради”, дедилар”. Бу ҳадисни Муслим ривоят қилган. Бу маънодаги ҳадислар маънавий мутавотир даражасига етган. Мазкур ҳадислардан киши ғуноҳи кабира орқали имондан айрилмаслиги тушунилади” (Shihabiddin Marjoni, 1937: 64).

Абдулмалик Саъдийнинг таъкидлашича, имоннинг ҳақиқати қалб билан тасдиқ этишдир. Мўмин мабодо янглишиб бирор ғуноҳга қўл урса ҳам қалбида тасдиқ туради ва у имонидан ажралиб қолмайди. Расулulloҳ (с.а.в.) замонасидан ҳозирги кунгача уммат: “Қиблага аҳл бўлган киши ким бўлишидан қатъи назар, унга жаноза намози ўқилади”, – деб ижмо қилганлар. Бу маънода Табароний: “Ла илаҳа ила-л-лоҳ”ни ким айтса, унга жаноза намози ўқилади ва ким “Ла илаҳа ила-л-лоҳ”ни айтса, ортида туриб намоз ўқилади” ҳадисини келтиради. Хорижийларнинг далилларига шундай жавоб берилади: “Аллоҳ нозил қилмаган нарса билан ҳукм чиқаришни ҳалол деб билиш куфр. Намозни ёки ҳажни қасдан тарк қилган кишига нисбатан ҳадисда “куфр” сўзини ишлатиш ҳам айни шу маънода, яъни намоз ёки ҳаж ибодатини паст санаб тарк этиш ёки уларни адо қилмасликни ҳалол деб тушуниш куфрдир, деб таъвил қилинади”. Бундай таъвил қилинмаса, Бухорий ва Муслимда келган ҳадисларга зид бўлиб қолади” (Abdulmalik Sa'diy, 2009: 146-149).

Ғулом Ҳусайн ўзининг “Шарҳу Ақоиди Насафий” китобида юқоридаги матнга шундай изоҳ берган: “Оят, ҳадисда ғуноҳи кабира қилган кишиларга нисбатан “куфр” сўзининг ишлатилишидан зоҳирий маъно тушунилмайди. Чунки бошқа оят ва ҳадисларда: “Ғуноҳи кабира қилган киши имонидан айрилмаслиги”, – деган мазмунда келган ривоятлар қатъий тарзда собит бўлган. Шунингдек, оятларда ғуноҳи кабира қилган кишига “куфр” ё “фосиқ” атамаси ишлатилган бўлса, унда қилган ғуноҳини ҳалол ёки арзимаган иш деб билган шахслар кўзлангандир” (G'ulom Husayn, 2009: 209).

Абу Ҳафс Насафий “Ақоид” асарида мотуридийлик таълимотининг йўналишини белгилаб бер-

ган. Китобда “олам қадимий”, “ҳашр куни рухлар тўпланади”, “фалак айланади”, “жисмнинг моддаси қадимий” деб билувчи файласуфларга, Фаробий, Ибн Сино, Ибн Рушдларнинг “Аллоҳ жузъий нарсаларни билмайди”, “сифатлар зотнинг айни ўзи”, “рухлар қайта тирилади” каби қарашларига раддия берилган. Абу Ҳафс Насафий сифат, иститоат, имон рукни ва фаришталарга доир масалалар орқали ашъарийларга раддия берган. Ҳозирги кундаги “Сохта салафий”, “Туркистон ислом ҳаракати”, “Жамоату-л-муслимин” каби оқимларнинг имон ва такфир мавзусига алоқадор қарашларига Абулмалик Саъдий, Шихобиддин Маржоний ва Ғулом Ҳусайнлар Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асарига ёзган шарҳлар асосида раддиялар берилган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Shihobiddin Marjoniyy. Al-Hikmatu-l-balig'ati-l-janiya fi sharhi-l-Aqoidi-l-hanafiya. – Qozon, 1937. – 168 b.
2. Taftazoniy. Sharhu-l-Aqoidi-n-nasafiya. Istanbul: Asr, 1976. – 107 b.
3. Ubaydulhaq. Nashru-l-favoid. – Dehli.: Qadimiy kutubxona, 1990. – 224 b.
4. Bekir Topaloğlu. Kelam ilmi: giriş. – Istanbul: Damla Yayinevi, 1991. – 432 s.
5. Muhammad ibn Abdulkarim Shahrisoniy. Al-Milal va-n-nihal. – Bayrut: Doru-l-kutubi-l-ilmiya, 1992. – 224 b.
6. Muhammad Abu Zahra. Tarixu-l-mazahibi-l-islamiya fi-s-siyasati va-l-aqaidi va-t-tarixi-l-mazahibi-l-fiqhiya. – Qohira: Doru-l-fikru-l-arabiy, yili noma'lum. – 1996. – 688 b.
7. Abdulloh Harariy. Al-Matolibu-l-vafiya sharhi-l-aqidati-n-nasafiya. – Bayrut: Dorul mashari', 1997. – 176 b.
8. Hudaverdi Adam. Necmu'd-din Omer en Neseft ve Akidesi. – Istanbul: Değişim, 1998. – 148 s.
9. Mujibulloh. Bayonu-l-favoid. – Dehli: Maktabatu sayyid Ahmad, 2004. – J. II. – 545 b.
10. Abdulmalik Sa'diy. Sharhu-n-nasafiya fi-l-aqidati-l-islomiya. – Bag'dod: Salsabil, 2009. – 266 b.
11. G'ulom Husayn Osim. Al-Aqoidu-l-moturidiya. – Islomobod: Jomi'a qodiriya, 2009. – 480 b.
12. Abdunnosir Latif. Tavzih. – Islomobod: Jomiatu ravziya, 2009. – 184 b.
13. Sadru-l-varo. Jam'u-l-faroid bi inorati sharhi-l-aqid. – Islomobod: Maktabatu-l-madina, 2009. – 364 b.
14. Fido Muhammad. Ashrafu-l-favoid. – Dehli: Madaniy kutubxona, 2010. – 602 b.;
15. Oqilov S. Movarounnahrda moturidiya ta'limotining shakllanish tarixi. Monografiya. – T.: Movarounnahr, 2012. – 192 b.
16. Ikromulhaq. Tavzihu-l-aqid. – Dehli.: Jomi'ai Imron ibn Xattob, 2012. – 549 b.
17. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad YUsuf. Sunniy aqidalar. – Toshkent.: Hilol-nashr, 2013. – B. 108-109.
18. Tulepov A. Islom va aqidaparast oqimlar. – Toshkent: Sharq, 2014. – 536 b.
19. Islom niqobi ostidagi ekstremistik va terrorchi uyushmalar /tuzuvchilar: Shermuhamedov K., Karimov J. – T.: Movarounnahr, 2014. – 266 b.
20. Allokulov, A. (2016). SHIHABUDDIN MARJANI'S THEOLOGIC VIEWS ON THE BASIS OF THE BOOK “AL-HIKMA AL-BALIGA”. Theoretical & Applied Science, (11), 90-92. Available at: <https://elibrary.ru/item.asp?id=27545285>
21. Allokulov, A. (2017). MULLA ALI ALB-KARI I ISTOCHNIKOVEDCHESKIY ANALIZ EGO PROIZVEDENIYA «FARAID ALB-KALAI D ALYA AXADISI SHARX ALB-AKAID». Rossiya i musul'manskiy mir, (8), 95-102. Available at: <https://elibrary.ru/item.asp?id=29898693>
22. Allokulov, A. A. (2018). ABU KHAFS UMAR NASAFI'S “AQOID” AND AN ANALYSIS OF ITS SOURCES. In Aktualnye napravleniya fundamentalnykh i prikladnykh issledovaniy (pp. 85-87). Available at: <https://elibrary.ru/item.asp?id=36547840>
23. Allokulov A. Abu Hafis Nasafiyning “Aqoid” asari va unga yozilgan zamonaviy sharhlar tahlili: tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dis. avtoref. – Toshkent kimyo-texnologiya instituti, 2018. – 52 b.
24. Muhammad Yosir. Tahzibu-l-arvohi-n-nasafiya. – nashr joyi, matbaasi va nashr yili ko'rsatilmagan. – nashr yili ko'rsatilmagan. – 177 b.

